



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2002 йил 17 август, шанба

• №65 (11.453)

• Эркин нарҳда сотилади

БОЛАЛАР ПАРЛАМЕНТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

19-23 август кунлари Тошкентда Болалар парламентининг биринчи сессияси иш бошлайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ёш авлод ўртасида демократик гояларни жорий этиш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, ижтимоий фаоллигини оширишга муҳим аҳамият бермоқда.

Болаларни келажақда раҳбар — лидер бўлиб етиштириш учун бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Чунки, шундай болаларни демократик гоялар асосида интеллектуал савиясини янада ошириш, ижтимоий фаолликни, инсонпарварлик ташаббусларини кучайтириш борасида тайёрлаб бориш зарурати туғилди.

Юқоридагиларни қайд этган ҳолда ва БМТ бош Ассамблеясининг болаларга бағишлаб ўтказилган махсус сессиясида ишлаб чиқилган дунёни ўзгартиришда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш йўналишларини назарда тутиб, "Болалар" жамғармаси махсус дастурини бошлади. Дастурнинг асосий мақсади парламентаризм, жамиятни демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари, соғлом турмуш тарзи тушунчаларини тарғиб қилиш, ўзаро мулоқот, маърузачилик маҳоратини ўргатишдир.

Парламентнинг 219 нафар ёш депутатлари республикамизнинг барча туман ва шаҳарларидан танлов асосида танлаб олинди. Сессия бир йилда икки маротаба — ўқувчилар таътили даврида ўтказилади.

Ҳозирги кунда ёш депутатлар ўзларининг биринчи сессияларига қатнашиш учун Тошкент шаҳрига келмоқдалар. 19-23 август кунлари ўтказиладиган сессияда давлатимиз Конституцияси, демократия принциплари, бола ҳуқуқлари масалаларига бағишланган тренинг ва мунозаралар уюштирилиб, Олий Мажлис депутатлари, қўмиталар аъзолари, Омбудсман, республика муассасалари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилади.

"Туркистон-пресс".



СУРАТЛАРДА: илгор ишчилардан Умида Назирова ва Назокат Мақсудова ишлаб чиқариш жараёнини кузатишда; етакчи мутахассис Умид Йўлдошев иш устида.
Даврон АХМАД олган суратлар.

Mustaqillikning 1 yilligiga

ҲАММАСИ ЭКСПОРТГА

Янгийўл тумани азалдан мўл ва сифатли ҳосил берадиган боғларию миришкор боғбонлари билан машҳур бўлиб келган.

Жумладан, «Халқобод» деганда, кўпчиликнинг кўз ўнгида бири-бирдан яшнаган боғлар, сархил мевалар намоен бўлади. Яқин атрофдаги шаҳар ва туман марказларининг аҳолиси янгийўллик соҳибкорлар етиштирган ноз-неъматлардан баҳраманд бўлиб келишмоқда.

Мустақиллик туфайли вужудга келган эркилик, қулай шарт-шароитлар, хом-ашё сероб бўлганлиги боис туманда уларни қайта ишлайдиган корхоналар фаолиятини янада кенгайтириш имконини берди. Усмон Юсупов номли очиқ акциядорлик жамияти иқтисодий салоҳияти шу туфайли кейинги йилларда анча барқарорлашди. Жамиятнинг 450 ишчи-хизматчиси туман боғларида етиштириладиган мева ва сабзавот маҳсулотларидан кунига 20-25 тонна помидор пастаси, 40 тонна атрофида олма ва бошқа мевалар шарбати, шунингдек, олма қиёми тайёрлаб, истеъмолчиларга етказиб бермоқда.

Шундай маҳсулотларни тайёрлашга мўлжалланган АҚШ технологияси ўрнатилганидан сўнг, корхонада ишлар янада юришиб, жаҳон андозалари талаблари даражасида сифатли маҳсулот тайёрлаб, хорижга экспорт қилиш ҳам йўлга қўйилди. Бугунги кунда юзлаб тонна ўрик, нок, шафтоли пюреси тайёрланиб, бозорга чиқарилмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, ишлаб чиқариладиган ўрик ва шафтоли пюреларининг ҳаммаси сизими 125 грамм бўлган идишларга жаҳон андозалари асосида қадоқлаб, экспорт қилинмоқда.

"Энг улуг, энг азиз"

Мамлакатимизда юз бераётган оламшумул ўзгаришлар бугун ҳар бир ватандошимизнинг тақдирида ўзининг эркин ифодасини топмоқда.

Ана шундай хайрли жиҳатларни янада кенроқ ёритиш ва бадиий акс эттириш мақсадида беш йилдирки, республика "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Бадиий академия, Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси "Энг улуг, энг азиз" республика кўрик-танловини утказиб келяпти.

Бадиий академия марказий кўرғазмалар залида мазкур танловга бағишланган кўрғазма ташкил этилди. Истиқлол айёми арафасида ўтадиган ушбу танловга журналистика, фотография, тасвирий санъат, миллий ҳунармандлик каби йўналишларда 700 га яқин асар тақдим этилган. Уларда мамлакатимизнинг мустақиллик йилларидаги дадил одимлари, қўлга киритилган улкан ютуқлар, бунёдкорлик йўлида изланаётган замонамиз қаҳрамонларининг сиймолари ўзининг эркин ифодасини топган.

Кўрик-танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида маълум бўлади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

ФАХРЛАНИШ ТУЙҒУСИ

Ўз тарихига, ўз йўлига ва ўз истиқболига эга халқмиз. Ўн бир йил ичида улкан ўзгаришларнинг гувоҳи бўлишимиз билан бирга, биз таниган авлоду аждодларимиз сафига яна ўнлаб улугларимизнинг номини битиб қўйдик. Қаранг, бундан йитирма йил илгари Ал-Марғинович, Ал-Бухорий, Ал-Мотрудий, Ал-Фарғоний каби улугларимиз ҳақида заррача тушунчага эга эмас эдик.

Ваҳоланки, бу буюк инсонлар жаҳон тараққиётида ўша пайтдаёқ жуда машҳур бўлиб, шўролар сиёсати биздаги фахрланиш туйғуларини батамом сўндиришга жон-жаҳдила интилар эди. Биргина жаҳон ҳуқуқшунослигида катта ўрин тутган ва «Ал-
(Давоми 2-бетда).

Вилоят ҳокимлигида

ТАДБИРКОРГА ҲАММА ЭШИКЛАР ОЧИҚМИ?

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилиши тўғрисида маъруза қилган республикамиз Президенти Ислам Каримов кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бу соҳанинг яқин йиллар

ичида иқтисодиётимиз таркибида, ишсизлик муаммосини ҳал этишда, ички бозоримизни товарлар ва хизматлар билан тўлдиришда, одамларни турмуш даражасини яхшилашда катта ўрин тутишини таъкидлаб, уни янада ривожлантириш учун барча имкониятлар ва омиллардан фойдаланиш зарурлигини яна бир бор қайд қилди.

(Давоми 2-бетда).

НАЗОРАТ

САМАРАЛИ БЎЛСИН

Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Тошкент вилоят бўйича комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур комиссия аъзоларидан ташқари вилоят назорат идораларининг раҳбарлари ва Ангрен шаҳар ҳудудий комиссиясининг аъзолари иштирок этишди.

Йиғилишни комиссия раиси, вилоят ҳокими У.Мирзақулов бошқарди.

Йиғилиш биринчи ярим йилликда ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг мувофиқлаш-

тирилиши яқунлари, Ангрен шаҳар бўйича ҳудудий комиссия томонидан текширишларнинг тартибга солинишига доир қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш борасида амалга оширилган ва олиб бориладиган ишлар, вилоят дори-дармон сифатини назорат қилиш комиссиясининг фаолияти ҳақидаги ахборотларни тинглаб, муҳокама қилди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз муҳбиримиз.

МАСЛАХАТ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон халқ-демократик партияси вилоят кенгаши маслаҳат йиғилиши ўтказди. Унда вилоят кенгаши аъзолари, шаҳар ва туман кенгашлари котиблари, Олий Мажлис ҳамда вилоят кенгашига партиядан сайланган депутатлар, шунингдек ХДПнинг шаҳар ва туман кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг «Мамлакатдаги парламент ислоҳоти ва Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг долзарб вазибалари» мавзудаги маърузаси ва вилоят кенгаши биринчи котиби С. Аъзамовнинг Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг IV пленуми қарорларини бажариш, партия ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Маслаҳат йиғилишида вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси А. Аҳмаджонова сўзга чиқди.

Тасаввуф ва замон

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетида республикамизнинг шарқшунос олимлари, танқили уламолари, шунингдек, мазкур ўқув даргоҳининг ўқитувчи ва иқтидорли талабалари иштирокида тасаввуф манбаларини ўрганишга бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Анжуманда «Тасаввуф таълимотида мутаассибликдан холи комил инсон сиймоси», «Нақшбандийликда яратувчанлик ва дунёвийлик моҳияти», «Темурийлар даврида суфийлик ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт», «Агиографик асарларда етук инсон сиймосининг тасвирланиши», «Тасаввуф манбаларини ўрганиш муаммолари», «Маҳмуд Замахшарий асарларида тасаввуф ғоялари талқини» каби мавзуларда фикр алмашилди.

ЎЗА.

ТАДБИРКОРГА ҲАММА ЭШИКЛАР ОЧИҚМИ?

Вилоятимизда ҳам тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айни вақтда бу соҳада ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам бор. Уларни бартараф этиш учун қандай чора-тадбирларни амалга ошириш лозим? Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган семинар-кенгашда шу масалалар атрофида муҳокама этилди.

Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, қатор республика вазирликлари ва идоралари вакиллари, вилоят бошқармалари ва бўлимлари раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, уларнинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосар-

(Давоми. Боши 1-бетда).

лари, тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ва бошқа қатор мутасадди ташкилотлар вакиллари қатнашдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳ.Асатов бошқарди.

Ҳозирги вақтда вилоятимизда 17минг 400га яқин кичик ва ўрта бизнес субъектлари рўйхатга олинган. Бу ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 16 фоиз кўпдир. Шу давр мобайнида уларнинг сафига 5700 нафар ишбилармон ҳам қўшилди. Кичик ва ўрта бизнес субъектларида янги ишчи ўринларини барпо этиш топшириқдаги нисбатан 2,2 баробарга бажарилди.

Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 2002 йилнинг ўтган даври

мобайнида 7 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди. Йиғилишда иқтисодийнинг бу тармоғини ривожлантиришда ютуқлар қатори кўпгина камчиликлар ва нуқсонлар ҳам борлиги, уларни бартараф этиш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланишда сусткашликка йўл қўйилаётганлиги, оқибатда қатор шаҳарлар ва туманларда мулкдорлар синфини яратиш кўнгилдагидек эмаслиги, тадбиркорлик тузилмаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, хом ашё ва материаллар билан таъминлаш талабига жавоб бераётганлиги, уларга хизмат кўрсатишга даъват этилган бозор инфратузилмалари иши етарли эмаслиги қайд қилинди. Тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини асоссиз равишда текшириш, уларнинг ишлари-

га аралашуш холлари ҳамон давом этмоқда. Шунингдек, семинарда кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга кўпроқ имтиёзли кредитлар ажратиш, ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотишда ёрдам бериш, бундай тузилмаларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, айниқса, майда улгуржи дўконлар сонини янада кўпайтириш лозимлиги айтилди.

Шуни таъкидлаш керакки, семинар-кенгашда тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган масалалар, муаммолар ҳамда саволларга шу ернинг ўзида тегишли идора ва ташкилот раҳбарлари ва мутасаддиларидан аниқ ва атрофлича жавоб олдилар.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.

Бугун Бекобод туман марказий шифохонасига келган киши у ерни таниёлмайди, тез тиббий ёрдам маркази ташкил этилгандан сўнг, бу ер янада гавжумлашди.

ТАЪМИРЛАНДИ, ЖИҲОЗЛАНДИ, БУНЁД ЭТИЛДИ

У замонавий «УЗИ» лазер аппаратлари, шунингдек, замонавий ташхис ускуналари билан жиҳозланган. Бу ишлар учун давлат томонидан 24 миллион сўм маблағ ажратилди.

Шу кунларда туман туғруқ мажмуаси ҳам тўла таъмирдан чиқарилмоқда. Юз ўринга мўлжалланган туғруқxonани таъмирлаш ва жиҳозлаш учун 31 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Бугунгача режадаги 80 фоиз ишлар амалга оширилди. Мустақиллик байрами арафасида замонавий туғруқxonани туман аҳлига совға қилиш мўлжалланаяпти.

Аҳолига тиббий хизмат соҳасида туманда эришилган ютуқлардан яна бири «Далварзин» ширкат хўжалигининг учинчи бўлимида қуриб битказилган қишлоқ врачлик пунктидир. Мустақиллик байрами куни ишга туширилиши режалаштирилган шифохонада ҳозир ускуна ва жиҳозлар ўрнатилиб, созланаяпти.

Ўз мухбиримиз.

ЯНГИЙЎЛДА ШУНДАЙ БЎЛИМ БОР

Чирчиқ автомобил ўқув-ишлаб чиқариш комбинатининг Янгийўл шаҳар бўлими турли русумдаги автомашиналарни ҳайдаш ҳуқуқига эга бўлган малакали ҳайдовчилар тайёрлашга ихтисослашган.

Бўлимнинг моддий-техника базаси ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Унинг ихтиёрида ҳозир 4та ЗИЛ-130, 1 та ГАЗ-24, 2та ТИКО бор. Барча транспорт воситалари техник жиҳатдан соз. Улар доим яроқли ҳолда бўлишига алоҳида эътибор берилаяпти. Чунки, бу техника воситалари иш ривожини пийдеворидир. Бу ерда тажрибали ўқитувчи ва йўриқчилар меҳнат қилишмоқда.

Айни пайтда мазкур бўлим учун 240 ўринли янги замонавий ўқув биноси қурилмоқда. Барча замонавий жиҳозлар билан таъминланиши кўзда тутилаётган мазкур бино 2003 йил бошларида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Акбар АЛЛАМУРДОВ.

ФАХРЛАНИШ ТУЙҒУСИ

Хидоя» асари билан ислом дунёсида жуда машҳур бўлган Ал-Маргиноний бобомизнинг тарихдаги тутган ўрни юракларимизни ифтихор ҳисларига тўлдирди.

Юртбошимизнинг бу улуғлар номини ёд этиб, улар хотирасини абадийлаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ёшларимизни она Ўзбекистонга, шу заминга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда улкан ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ёшларимиз бугунги кунда дунё танишдан аввал, ўз улуғ салафларини, ўз тарихларини мукаммал билишга интиломқдалар, лекин...

Хизмат тақозоси ва бошқа сабаблар билан ёшлар даврасида кўп бўламан. Уларнинг улуғ боболаримиз ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги унчалик чуқур бўлмаган билимларидан қониқиш ҳосил қилмасам, уларда фахрланиш туйғусининг мукаммал шаклланмаганлигини кўрсам, уяламан.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Баъзан мақтанчоқлик феълимида томир отмаганиданми ёки улуғларимизнинг донғини ҳали ҳам чуқурроқ тушуниб, англаб олмаганимизданми, биз нега ифтихор қилишни билмаймиз дея ўз-ўзимга савол бераман. Агар мулоҳаза қилсак, фахр-ифтихор қилиш мақтанчоқлик эмас-ку?!

Шунинг учун ҳам улуғларимиз ҳаёти ва фаолиятини мукаммал билмаймиз. Мактаб ўқувчилари ҳам улар ҳақида катталардан эшитганларини ёки телевидениеда кўрганларини гапириб берадилар, холос. Чунки уларнинг ҳаёти ҳали дарсликларга киритилгани йўқ. Демак, ёшларимизда ифтихор тарбиясини шакллантириш ва уларда фахрланиш туйғусини ёқиш учун кўпроқ маънавий ишларни амалга оширишимиз керакка ўхшайди.

Бунда албатта фахр-ифтихор туйғусини ёшлар юрагида жўш урдириш учун аввало уларни билимдон қилишимиз, улуғларимиз фаолиятини онларига сингдиришимиз зарур. Зотан, билим-

сиз инсон фахрланиш завқидан йироқдир.

Муҳтарам Юртбошимизнинг бир неча йил аввал «Биз Навоийни нечоғлик биламиз» мазмунидаги гапи ҳаммамизни ҳушёрликка чорлади десам муболаға бўлмас. Маънавий жиҳатдан етук бўлган инсон шу юрт, шу Ватан қадрини қанчалик терең ҳис қилса, унинг тупроқ заррасидан то майсасигача кўзига тўтиё айланди. Ўзбекистон улуғлар юрти эканлигидан эса ҳаммиз ифтихор қилади...

Ёшларимиз қўлтигида китоби билан дунё кезиб юрибди. Улар қайси давраларга қўшилмасин фахр билан тилга оладиган улуғ боболари бор. Яқинда бир муаллим: «Аллома шоиримиз Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистон Ватаним маним» шеърини ҳар гал ўқир эканман, юрагимдаги ифтихор дарёга айланади», — дея тан олди. Мен эса шу дарё ҳаммамизнинг юрагимизда тўлиб-тошиб оқшини жуда-жуда орзу қиламан.

Ҳамид НОРҚУЛ.

Она юртга, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини тарбиялаш оиладан, боғчадан бошланади. Шу боис Қуйичиқ тумани боғчаларида бу ишларга алоҳида эътибор қаратилаётди. Маънавият соатларидаги суҳбатлар кичкинтойлар қалбига эзгулик уруғини сочиб, уларни маънавий баркамоллик сари етаклашга хизмат қилаяпти.

СУРАТДА: тумандаги мактабгача тарбия муассасаларининг раҳбарлари келгуси режалар ҳақида фикрлашмоқдалар.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.



Хат босилмади, чора кўрилди

ЧИПТА ҲАҚИ ҚАНЧА ТУРАДИ?!

Тахририятимизга мактуб йўллаган муштарий Наргиза Расулмуҳаммедова ўз хатида «Чорсу (АШБ) — Санаторий» йўналиши бўйлаб қатнайдиغان автобуслар маршрутида айрим ноқонуний чипта сотувчилар тарифда кўрсатилган йўл ҳақини кўпроқ миқдорда олаётганликларини, шунингдек, йўловчилар билан қўпол муомала қилаётганликларини, жумладан, шу йил 9 июль куни 11AQ214 рақамли автобусда йўловчи ва чипта сотувчи ўртасидаги можарони батафсил таърифлаб берган эди.

Мазкур шикоят хатига «Келес автокорхонаси» ОХЖ бошқаруви раиси Н.Назаров имзоси билан жавоб хати олинди. Унда жумладан, шундай дейилади:

«Келес АТС» ОХЖ раёсати сизнинг шикоят хатингизга жавобан шуни маълум қиладики, бўлиб ўтган воқеа автокорхонамиз ҳайдовчилари орасида муҳокама қилиниб, тушунтириш ишлари олиб борилди. Ҳайдовчи Э.Мастоновга авто-

бус салонида ноқонуний чипта сотувчи олиб юрганлиги учун ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида жарима солинди. Шунингдек, автосаф бошлиги М.Турсунхўжаевга ҳайдовчилар орасида тарбиявий ишларни сусайтириб юборганлиги учун ҳайфсан эълон қилинди. Бўлиб ўтган келишмовчиликлар учун «Келес АТС» автокорхонаси маъмурияти шикоят муаллифидан узр сўрайди».

Истиқлол иншоотлари

Чорвоқ сув омборининг хушманзара ўнг соҳили Боқачўлда қад кўтарган улкан иншоот айнан шундай деб аталса тўғри бўлади.

Вазирлар Маҳкамаси Чимён-Чорвоқ курорт зонасида табиий бойликларни сақлаш ҳамда соғломлаштириш ва дам олиш тизимини ривожлантиришга қаратилган чоратадбирлар тўғрисида қарор қабул қилганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Аммо ҳозирнинг ўзидаёқ жуда улкан ҳажмдаги ишлар бажарилгани

салмоқли ҳисса қўшган. Боқачўл бўйлаб ястанган улкан ҳудуд кўкаламзорлаштирилган. Аммо улар ҳал этиши лозим бўлган вазифалар ҳали бир талай: бутун соҳил бўйи ва Чимён ёнбағрини эгаллаган 100 минг гектардан ортиқ майдоннинг табиий ҳолатини яхшилаш зарур.

Инсон қўли билан барпо этилган бу ажойиб денгиз

ўринга мўлжалланган учта дастлабки тўрт юлдузли меҳмонхона шу йилнинг ўзида ишга тушади. Бу ерда дам олиш учун барча шароит: қулай ва ёрқин хоналар, бассейн ва ресторанлар, ижара пунктлари ва автомобил сақлаш жойлари муҳайё.

Янаги йил бошидаёқ Чимён ёнбағридаги меҳмонхона биноларини қайта таъмирлаш бошланади. Бу тоғнинг қулай ва хавфсиз арқон йўллари, тик қоялар спортнинг кўпгина қишки турлари бўйича халқаро мусобақалар ўтказилиши учун барча талабларга жавоб беради.


Яқин орада мамлакатимиз сайёҳлик харитасида яна иккита хазина пайдо бўлади. Тошкент остонасидаги бу дам олиш зонаси жаҳондаги энг яхши курортлар сафига киради.

Дам олиш, кўнгили ёзиш ва туризм – кўпгина мамлакатлар бюджетининг энг сердаромад моддаларидан биридир. Биз ҳам меҳмонларга қадимий шаҳарларимизнинг ноёб меъморлик обидаларидан бошқа нарсаларни ҳам кўрсата оламиз!

Денгиз ортидан келган меҳмон "Чинор" чойхонаси ёнидаги тиниқ булоқ сувида минг йиллик теракларнинг аксини кўргиси келмайди дейсизми? Ўн киши қўлини қўлига бериб ҳам бу дарахтларнинг танасини ўраб ололмайди. Чойхона ёнидаги ибтидий одамлар чизиб қолдирган тошдаги ёзувларни айтмайсизми – бу санъат асарлари милоддан анча олдин барпо этилган!

Инсон цивилизациясининг қадимий бешиги бўлмиш ўзбек заминининг ҳар бир қаричи ноёбдир. Шунинг учун ҳам яқинда Чорвоқ билан Чимёнга сайёҳлар оқими оқиб кела бошлайди. Бу – хазинамизга валюта куйилади, деган гап!

**Рустам ШАГАЕВ,
ЎЗА мухбири.**



КўСАК БЎЛИҚ, КўНГИЛ ТЎҚ

Бўка туманидаги «Хўжақўрғон» ширкат хўжалигининг бош пудратчилари Саидгани Сатторов билан Саидқосим Эшонов кўп йиллардан бери басма-басига беллашиб ишлаб, пахтадан барқарор мўл ҳосил олишмоқда. Бу йил ҳам табиий қийинчиликларни бамаслаҳат ва ҳамжихатликда енгиб, ўз далаларида баракали ҳосил етиштиришга эришдилар. Ҳозир ҳар икки тажрибали бош пудратчининг даласидаги гўзалар ўртача 12 тадан кўсак боғлаган. Улар камида 32 центнерлик хирмонни мўлжаллашмоқда.

СУРАТДА: бош пудратчилар ҳосил чўғини чамалаб кўришмоқда. **Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

БИР ПИЁЛА ЧОЙ БАҲОНА

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан Қибрай туманидаги Оққовоқ қишлоқ фуқаролар йиғинида шу ҳудудда яшовчи отахон ва онахонлар бир пиёла чойга таклиф этилди.

Тўкин дастурхон атрофида бўлиб ўтган мароқли суҳбат чоғида республика маҳалла хайрия жамғармаси раиси Ш.Гадов, вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси А.Аҳмадҷонова ва бошқалар иштирок этдилар. Қариялар кўнгилдаги

дек дам олишлари учун маданият уйи бадий ҳаваскорларининг ҳушовоз хонандалари хизматда бўлишди. Учрашув ниҳоясида тадбир ҳомийлари меҳнат фахрийларига ўзларининг эсдалик совғаларини топширдилар.

Дано РУСТАМОВА.

Жаҳон даражасидаги соғломлаштириш маскани



кўриниб турибди.

Барча масалалар комплекс ҳал этилмоқда. Масалан, энг мураккаб ва зарур муаммо ҳал этилган – Чирчиққача канал кузури тортиб борилган. Энди оқава сувлар кимёгарлар шаҳридаги тозалаш корхоналарида қайта ишланади. Пойтахтимиз ҳамда Тошкент минтақасини тоза сув билан боқувчи нодир ичимлик суви манбаи Чорвоқ эса тозалигича қолади!

Йўллар яхшиланяпти – улар тобора кенгайиб, текис бўлмоқда, хавфли кескин бурилишлар йўқ. Денгиз соҳилидаги 150 минг кубометрдан ортиқ ахлат чиқариб ташланган. Водопровод, электр ва алоқа тармоқлари ўтказилган, уяли телефон компаниялари ўзларининг узаткичларини йўлга қўймоқда.

Бу ишга ўрмон хўжалиқлари ходимлари ҳам

бахш этадиган қувончнинг чек-чегараси йўқ! Пок табиат, мовий тоғлар, гиёҳ ва гуллар бўйига тўйинган ҳаво, роҳатихон сув ва қайноқ кўёш нуридан баҳраманд бўлиб бир кун дам олган киши бир ҳафта бардам бўлиб юради. Мутахассисларнинг бутун МДҲда уч жойгина, яъни Қрим, ўзимизнинг Оқтош ва Чорвоққина мана шундай тоза ҳавога эгаллиги ҳақидаги фикри бежиз эмас.

...Тўғонга етгандаги кескин кўтарилишдан сўнг кўз олдингизда ёрқин яшил рангга бўялган замонавий бинолар пайдо бўлади. Бу зонани индустрияимизнинг Ўзбекистон металлургия, Олмалик ва Навоий конметаллургия комбинатлари сингари байроқдорлари ўзлаштирмоқда. Аммо республикамиз пойтахти ҳокимлиги ажратган маблағ ҳам-маникидан ошиб тушади.

Шаҳар ҳокимлигига қарашли ҳар бири 100

ФАРЗАНДАРИНИ КЎРИБ ҚАЙТДИЛАР

Сўнги пайтларда ота-оналарнинг ҳарбий қисмларга ташрифи анъанага айланиб бормоқда.

Куни кеча Янгийўл тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Башорат Раҳимқолова бошчилигидаги бир гуруҳ ота-оналар Самарқанд вилоятида хизмат қилаётган аскар фарзандлари ҳузурда бўлиб қайтдилар.

Шу куни туман маданият бўлимининг «Соғинч» дастаси жамоаси ҳарбийларга ўз концерт дастурларини намойиш этди. Шунингдек, туман ҳокимлиги, туман мудофаа ишлари бўлими, «Камолот» ижтимоий ёшлар ҳаракати туман кенгаши томонидан совғалар улашилди.

Аҳмадҷон РИҲСИБОУВ.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейинги йилларда янгиланаётган жамият турли синовларга дуч келди. Бир тўда ақидапарастлар динни ниқоб қилиб, ўз мудҳиш ниятларини кўзлаб, қотиллик ва кўпуровчиликдан иборат террор йўлига ўтиб олдилар. Тошкентдаги февраль воқеалари, Сурхондарё ва Бурчмулла тоғли ҳудудларидаги воқеалар ҳеч қачон унутилмайди, аксинча бизни ҳамийша огоҳликка даъват этиб туради.

Ўтган куни Оққўрғон тумани фаоллари, қишлоқ ва маҳаллалар ўз-ўзини бошқариш органларининг раҳбарлари, қишлоқ зиёлиларининг вакиллари, хотин-қизлар қўмиталарининг жамоатчилари шаҳар маданият клубига тўпланишди. Уларга «Изтироб» видеофильми намойиш этилди.

Диний экстремистик ва халқаро террорчилик ҳаракатларига алданиб аралашиб қолган айрим шахсларнинг тавба-тазаруулари, ноқобил фарзандлари хоинлик йўлига кириб, ўз халқи ва юртига қарши қурол кўтарганидан изтироб чекаётган ота-оналарнинг кўз-ёшлари томошабинлар қалбини ларзага солди.

Ўзбекистон Миллий университети доценти, фалсафа

Муқаддас бурч

фанлари номзоди Абдуғани Набиев диний экстремизм илдилари, динни қурол қилиб олган ақидапарастларнинг қураш тактикаси ҳақида батафсил гапириб берди. Туман имом хатиби Эллибой хожи Тўрақулов диний экстремизм моҳиятини ва унинг манфур ниятларини очиб берувчи видеофильмнинг бу намойиши биз учун катта сабоқ бўлиши зарур, деб таъкидлади. Тинчлик йўлида ҳамкор-

Огоҳликка даъват

лик исломнинг шиори. Биз масчитларда, маҳаллаларда бунини халққа кенг тушунтираямиз.

— Видеофильмда акс этирилган воқеалар бизни ҳамийша огоҳликка чақиради, — деди Эркинли қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мирзакарим Жониқулов йиғилганларга мурожаат қилиб. — Террорчиларнинг ваҳшийликлари, бузғунчилиги мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун жипслашишга даъват этади. — Диний экстремизм янги-янги қиёфаларда намоеён бўлиб, мўрт қалбли ёшларни ўзига оғдириб олишга уринмоқда, — деди туман ҳокимининг ўринбосари Муҳиддин Убайдуллаев. — Биз ёшлар ўртасида тарбия ишини кучайтириб, ақидапараст ва террорчи гуруҳларнинг манфур ниятларини тушунтириб беришимиз лозим. Мустақилликни мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиз бўлиб қолмоғи керак.

Жўрабек МУРОДОВ.

ШАҲАРНИНГ ХОТИРА МАЙДОНИ

Хотира ҳар бир миллат кишинини кеча ва бугун ҳақида ўйлашга, тафаккур юритишга ундайди. У миллат руҳини ифодалашга хизмат қилади.

Шу туфайли ҳам Янгийўл шаҳар марказий майдони қайта таъмирланиб, Хотира майдонига айлантирилмоқда. Ям-яшил дарахтлар, анвойи гулларга бурканган бу майдонда «Мотамсаро она» ёдгорлиги қад кўтарди. Бу мажмуа мустақиллигимизнинг 11 йиллиги арафасида очилиши кўзда тутилмоқда.

Зухра ҲАЙДАРОВА.

DUSHANBA

19

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлинома».
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Ўзбектеlevision» намоёни: «Келажакка интилиб».
9.10 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.40 «Туртинчи ҳокимият».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилıklar
10.05 «Тўтиқушли хоним». Бадий фильм.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
11.55, 13.55 ТВ анонс.
Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:
12.05 1. «Санъат гўналар».
2. «Олтин тож».

Телевизион ўйини.
13.05 Эстрада тароналари.
13.25 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Яккама-якка жанг». Спорт дастури.
14.30 Кундузги сеанс: «Онтаро соҳилидаги воқеа». Бадий фильм.
16.00, 17.05 ТВ клип.
16.10 Болалар учун. «Табиат алифбоси».
16.25 «Осори-атиқаларимиз».
16.45 «Кино оламида».
17.15 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
17.35 «Аския».
18.10 «Топилмалар идораси». Мультфильм.
18.25 Алпомиш ўйинлари Республика фестивали.
18.55 «Мулк».
19.10 Мусиқий танаффус.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўлонлар
19.30 «Ахборот» (рус

тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон халқ ҳофизлари.
21.30 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй».
21.50 «Спорт, спорт, спорт».
22.05 «Оқ йўл!» А.Ибодуллаев куйлайди.
22.30 «Мовий уммон қаърида». Телесериал.
23.20 «Ахборот - дайжест».
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?»
10.20 «Мультмоша».
10.50 Мусиқий лаҳзалар.
11.00 «Давр» ҳафта ичида.

11.30 «Минг бир кеча». Республика ёш томошбинлар театрининг спектакли.
12.55 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Сурхондарё вилояти. Видеофильм.
13.35 Сурхон навалари.
13.45 Давр-пэвс.
14.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
14.55 Саломат бўлинг.
15.15 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
15.50 Одий одамлар.
16.10 «Мимино». Бадий фильм.
17.40 Кўрсатувлар дастури.
17.45 «Янги авлод» почтаси.
18.00 «Денгиз итлари». Мультсериал. 1-қисм.
18.25 Спорт ҳафтанома.
18.40 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.

19.40 Ёшлар овози.
20.00 Муҳаббат қўшиқлари.
20.20 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Жиззах вилояти. Видеофильм премьераси.
20.45 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.05, 21.40, 22.35 Ўлонлар
21.10 «Эсмeральда». Телесериал.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида 23.50 Давр.
00.55-1.00 «Хайрли тун!»

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Гиннес-шоу».
17.40, 19.10, 22.15

«Экспресс» телегазетаси.
17.55 Болажонлар экрани. «Шарки ва Жорж». 11-қисм.
18.15 «Камалак».
18.30, 20.00, 21.15, 22.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.25 «Авто-пэвс».
19.45 «Жозоба».
20.30 ТТВда сериал: «Ҳозир ёки ҳеч қачон».
21.35 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ногораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 15-қисм.
22.55 Кинонигоҳ. «Қаҳрамон».
00.40-00.45 «Хайрли тун, шахрим!»

«Халқаро» телеканал

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
16.25-16.55
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Вести».

17.15 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеуйини.
18.20 «Чемпионлар нуноштаси». Бадий фильм.
20.00 «Время».
20.35 «Талабларга биноан бекат». Сериал.
21.35 «Ёз гашти».
21.45 Кинематограф. «Йўқолган дунё». Бадий фильм.
23.10 «Ахборот».
23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ 16.55 гача

профилактика ишлари.
16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 Шоу соати.
17.40, 20.35 — «Телехамкор». 18.00 «Тергов сирлари». Сериал. 19.00 «30-канал» киноқшоми: «Қонга қон». 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона», мусиқий дастур. 21.30 «30-канал» киноқшоми: «Стилет». 23.15 «Тез ёрдам». Сериал.

SESHANBA

20

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектеlevision» намоёни: «Умид қалдирғочлари».
9.15 «Қўчқа замин оҳанглари».
9.35 «Рангин дунё».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилıklar
10.05 «Мулк».
10.20 «Арабелла - қароқчи қизи». Бадий фильм.
11.30 «Талабалар йиллари».
11.55, 16.50 ТВ клип.
12.05 «Париси бор уй».
12.25 «Сийёсат оламида».
12.45 Бокс бўйича халқаро турнир.
13.30 «Оқ йўл!» А.Ибодуллаев.

13.55 15.25 ТВ анонс.
14.10 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
15.10 «Спорт, спорт, спорт».
15.30 «Қалб гавҳари».
15.50 Кундузги сеанс: «Ғаройиб ҳодиса». Бадий фильм.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Баркамол авлод орузи».
18.30 «Қалқон».
18.50 «Олтин мерос».
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўлонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилıkları» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Шу

азиз Ватан барчамизники».
21.25 Бир жуфт қўшиқ.
21.35 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Тараққиёт йўли».
21.55 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.25 Кураш бўйича Ўзбекистон Президенти соврини учун халқаро турнир.
22.55 «Ахборот - дайжест».
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.30 «Денгиз итлари». Мультсериал. 1-қисм.
9.55 Ёшлар овози.
10.15 Мусиқий лаҳзалар.
10.25 «Эсмeральда». Телесериал.
10.55 Ҳуқуқ ва бурч.
11.15 Болалар экрани:

«Фил йўқолди».
12.25 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Жиззах вилояти. Видеофильм.
12.50 Жиззах тароналари.
13.00 Бегойим.
13.20 Интерфутбол.
15.00 Жалолитдин юрган йўлларда.
15.20 Жаҳон жўрофияси.
16.10 Кўрсатувлар дастури.
16.15 «Янги авлод» студияси: «Ҳар соҳага саёҳат».
16.35 «Денгиз итлари». Мультсериал. 2-қисм.
17.00 Таянч.
17.25 ТВ-анонс.
17.30 Далил ва шарҳ.
17.45 Автопатруль.
18.05 Ёшлар овози.
18.25 «Умр дафтари». Саид Аҳмад. 1-қисм.
18.40 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
10.55 Ҳуқуқ ва бурч.
19.55 Ёшлик навалари.

20.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Бухоро вилояти. Видеофильм премьераси.
20.50 Марди майдон.
21.10, 21.45, 22.35 Ўлонлар
21.15 «Эсмeральда». Телесериал.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Нокаут.
23.30 Давр.
23.45 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
00.20 - 00.25 «Хайрли тун!»

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Гиннес-шоу».
17.40, 19.15, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.
17.55 Болажонлар экрани. «Шарки ва Жорж». 12-қисм.

18.15 «Спорт ва болалар».
18.30, 20.00, 21.15, 22.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Дугор навоси». Т. Алиматов. 2-кўрсатув.
19.30 «Туризм ҳақида».
20.30 ТТВда сериал: «Ҳозир ёки ҳеч қачон».
21.35 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ногораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 16-қисм.
22.55 Кинонигоҳ. «Худди ота-боладек».
00.10-00.15 «Хайрли тун, шахрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
16.25-16.55
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Вести».
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.10 Жеймс Белуши. «Махфий жосус Ройс» фильмда.
20.00 «Время».

20.35 «Талабларга биноан бекат». Сериал.
21.40 «Кун мавзуси».
22.00 Кинематограф. «Дайди». Бадий фильм.
23.25 «Ахборот».
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 — Болалар соати. 10.15 «Ботирлар». Сериал. 10.40 «Жанговор санъат олами». Спорт дастури. 11.10 «Иблис боласи». Телесериал. 12.00 «Минотавр ташриф». 5-серия. 13.30 «Яго, зулмат эҳтироси». Сериал. 15.00 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эҳтирослари». Сериал. 15.50 «30» да спорт». 17.00 Шоу соати. 18.00 «Тергов сирлари». Сериал. 19.00 «30-канал» киноқшоми: «Истаганини қил». 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 21.30 «30-канал» киноқшоми: «Жонни 2.0». 23.15 «30» да спорт. Бокс.

CHORSHANBA

21

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектеlevision» намоёни: «Жаҳонни забт этган санъат».
9.20 «Соз сеҳри».
9.40 «Қалқон».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилıklar
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 «Катта бўлишни хохламайман». Бадий фильм.
11.40 «Баркамол авлод орузи».
12.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Тараққиёт йўли».
12.25, 13.55 ТВ анонс.
12.30 Бухоро фольклор-этнография ансамблининг концерти.
12.55 Кураш бўйича

Ўзбекистон Президенти соврини учун халқаро турнир.
13.25 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Остонаси тиллодан».
14.30 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
14.50 «Ягона оилада».
15.20 Кундузги сеанс: «Қадимги шўхликлар». Бадий фильм.
16.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Шу азиз Ватан барчамизники».
16.50 ТВ клип.
Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Тугилган кун». Теленовелла. 2. «Кувноқ шаҳарча». Телемусобақа.
18.10 «Ажаб саодат эрур». Бадий-публицистик кўрсатув.
18.30 «Умид». Телелоторей.
19.10 «Солиқ ва биз».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўлонлар
19.30 «Ахборот» (рус

тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Шу азиз Ватан барчамизники».
21.25 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
21.40 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.10 «Парламент вақти».
22.30 Кураш бўйича Ўзбекистон Президенти соврини учун халқаро турнир.
23.00 «Ахборот - дайжест».
23.20 «Спорт, спорт, спорт».
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Ҳар соҳага саёҳат».
9.35 «Денгиз итлари». Мультсериал. 2-қисм.
10.00 Давр-интервью.

10.15 «Эсмeральда». Телесериал.
10.45 Таянч.
11.10 «Умр дафтари». Саид Аҳмад. 1-қисм.
11.25 Болалар экрани:
12.25 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Бухоро вилояти. Видеофильм премьераси.
13.00 Бухоро навалари.
13.10 Спортлото.
13.30 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.
14.10 «Парвариш». Бадий фильм. 1-қисм.
15.35 Далил ва шарҳ.
15.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: «Келинг танишайлик».
17.05 «Денгиз итлари». Мультсериал. 3-қисм.
17.30 Ёшлар овози.
17.50 Сийрат.
18.10 «Умр дафтари». Саид Аҳмад. 2-қисм.
18.30 Каталог.
18.40 Оқшом навалари.

18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўчқа оҳанглари.
19.45 Очил дастурхон.
20.00 Спортлото.
20.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Хоразм вилояти. Видеофильм премьераси.
20.45 Севги тароналари.
21.05, 21.40, 22.35 Ўлонлар
21.10 «Эсмeральда». Телесериал.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида 23.50 Давр.
00.55-1.00 «Хайрли тун!»

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Гиннес-шоу».
17.40, 19.15, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.

17.55 Болажонлар экрани. «Шарки ва Жорж». 13-қисм.
18.30, 20.00, 21.15, 22.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Мусиқий меҳмонхона».
19.30 «Аёл қалби».
19.55 «Эҳтиром ила».
20.30 ТТВда сериал: «Ҳозир ёки ҳеч қачон».
21.35 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ногораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 17-қисм.
22.55 Кинонигоҳ. «Хоним ва қароқчи».
00.10-00.15 «Хайрли тун, шахрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
16.25-16.55
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Вести».
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.20 Ирина Аллегрова нахросидаги концерт дастури.

20.00 «Время».
20.35 «Талабларга биноан бекат». Сериал.
21.40 Кинематограф. «Қаъиятли ота». Бадий фильм.
23.10 «Ахборот».
23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 — Болалар соати. 10.15 «Ботирлар». Сериал. 10.40 «Яхши кайфият». 11.10 «Иблис боласи». Телесериал. 12.00 «Шаҳзода Флоризел саргузаштлари». 1-серия. 13.30 «Яго, зулмат эҳтироси». Телесериал. 15.00 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эҳтирослари». Сериал. 15.50 «30» да спорт». 17.00 Шоу соати. 18.00 «Тергов сирлари». Сериал (яқунл.). 19.00 «30-канал» киноқшоми: «Истаганини қил» (давоми). 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 21.30 Ҳинд киноси: «Хола-420».

PAYSHANBA

22

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Тугилган кун». Теленовелла. 2. «Кувноқ шаҳарча». Телемусобақа.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00

Янгилıklar
10.05 «Солиқ ва биз».
10.20 «Ажойиб хаёлпараст». Бадий фильм.
11.35 «Симфоник мусиқа дунёси».
12.05 «Ажаб саодат эрур».
12.25 «Парламент вақти».
12.45, 14.25 ТВ клип.
12.55 Кураш бўйича Ўзбекистон Президенти соврини учун халқаро турнир.
13.25, 16.55 ТВ анонс.

13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Спорт, спорт, спорт».
14.35 «Олам». Телеальманах.
15.05 «Куйла, ёшлигим».
15.30 Кундузги сеанс: «Колонна». Бадий фильм. 1-қисм.
16.35 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Шу азиз Ватан барчамизники».
Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Боланинг мовий осмони».
2. «Бешибармоқ». Тележурнал

18.10 «Ўзбекистон: ХХI аср ёшлари».
18.30 Муайтай бўйича Республика биричилиги.
18.50 «Олтин мерос».
19.05 «Соғлом она - соғлом бола».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.40 Ўлонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилıkları» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Телемулоқот: «Истеъмолчилар ҳуқуқи».

21.45 Бир жуфт қўшиқ.
21.55 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Шу азиз Ватан барчамизники».
22.15 «Аския». С.Хўжаев хотирасига бағишланган.
22.50 «Ахборот-дайжест».
23.10-23.15 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Келинг танишайлик».
9.35 «Денгиз итлари».

Мультсериал. 3-қисм.
10.00 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 «Эсмeральда». Телесериал.
10.45 Тафаккур ёлқинлари.
11.00 «Умр дафтари». Саид Аҳмад. 2-қисм.
11.15 Спорт-қитъаси (рус тилида).
11.40 Чемпион сирлари (рус тилида).
12.00 Сийрат.
12.20 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Хоразм вилояти. Видеофильм.
12.55 Хоразм навалари.

13.05 Ёшлар овози.
13.25 «Парвариш». Бадий фильм. 2-қисм.
14.40 ТВ-анонс.
14.45 Интерфутбол.
16.25 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: «Билагон маслаҳати».
17.20 «Денгиз итлари». Мультсериал. 4-қисм.
17.45 Ёшлар овози.
18.05 Табобат оламида.
18.25 «Умр дафтари». Саид Аҳмад. 3-қисм.

18.40 Оқшом навола-ри. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 Давр. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 Давр-интервью. 19.55 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур. 20.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Сирдарё вилояти. Видеофильм премьераси.

20.40 Кўҳна оҳанглар. 20.50 Мезон. 21.10, 21.45, 22.35 Ўзлонлар 21.15 «Эсмеральда». Телесериал. 21.50 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 «Мухаббат қаҳваси». Телесериал. 23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол Танаффус пайтида 23.50 Давр. 1.10-1.15 «Хайрли тун!»

«Тошкент» телеканалли 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «Гиннес-шоу». 17.40, 19.15, 22.20 «Экспресс» телегазетаси. 17.55 Болажонлар экрани. «Шарки ва Жорж». 14-қисм. 18.15 «Навхирол». 18.30, 20.00, 21.20, 22.35 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.50 «Камолот фасли».

19.30 «Умр йўлдоши». 20.30 ТТВда сериал: «Ҳозир ёки ҳеч қачон». 21.40 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ногораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 18-қисм. 23.00 Кинонигоҳ «Истеъдод». 00.10-00.15 «Хайрли тун, шахрим!» «Халқаро» телеканал РЖТ 6.30-8.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 16.25-16.55 16.55. Кўрсатувлар тартиби. 17.00 «Вести». 17.15 «Оилавий ришталар». Сериал. 18.20 И. Селезнева ва Л. Яромольник «Москва таътиллари» фильмида. 20.00 «Время». 20.35 «Талабларга биноан бекат». Сериал. 21.40 АҚШда «Буюк илаҳ йўли» фестивали. 21.50 Кинематограф. «Ой

нури агентлиги». Бадий фильм. 23.30 «Ахборот». 00.05 «Тунингиз осуда бўлсин!» 30-КАВАЛ 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 Бола-лар соати. 10.15 «Ботирлар» Сериал. 10.40 «Яши кайфият». 11.10 «Иблис боласи». Сериал. 12.00 «Шаҳзода Флоризел саргу-

заштлари». 2-серия. 13.30 «Яго, зулмат эхтироси». Телесериал. 15.00 Кундуз-ги киносеанс: «Магдалена-нинг сокин эхтирослари». Сериал. 15.50 «30-да спорт». 17.00 «Шоу соати». 18.00 «Умид уйи». Сериал. 19.00 «30-канал» кино-оқшоми: «Елғиз». 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Нон ва лолалар». 23.15 «Сиреналар». Сериал.

JUMA

23

«Ўзбекистон» телеканалли 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»: 9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Бешбармоқ». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар 10.05 «Уч бақалоқ». Бадий фильм. 11.30 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари». 11.50, 12.25 ТВ клип. 12.05 Муайтай буйича республика биринчилиги. 12.35 «Миттивоилар оиласи». Кинокурсов. 12.55 «Озодлик оҳангла-ри». 13.15, 13.55 ТВ анонс. 13.20 «Асия». С. Ҳўжаев хотирасига бағишланган.

14.10 «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультсериал. 15.00 «Хуқуқ сабоқлари». 15.20 Кундузги сеанс: «Колонна». Бадий фильм. 2-қисм. 16.25 Ўзбекистон Республикаси Мустақилли-гининг 11 йиллигига «Шу азиз Ватан барчамизни-ки». Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»: 16.45 1. «Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман». 2. «Уйла, изла, топ». Телемусобақа. 17.40 «Нурли манзиллар». 18.10 «Сихат-саломатлик». 18.30 «Чегарачи». 18.50 Мусиқий танаффус. 19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 «Истиқлол нашидаси». 20.30 «Ахборот». 21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақилли-гининг 11 йиллигига «Шу азиз Ватан барчамизни-ки». 21.25 ТВ клип. 21.35 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси. 22.05 «Сиеват оламида». 22.25 «Кўшигимиз сизга армуғон». А.Каримов. 22.50 «Спорт, спорт, спорт». 23.05 «Ахборот - дайжест». 23.25-23.30 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканалли 8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Билагон маслаҳати». 9.30 «Денгиз итлари». Мультсериал. 4-қисм. 9.55 Давр-интервью. 10.10 Мусиқий лаҳзалар. 10.20 «Эсмеральда». Телесериал. 10.50 Ёшлар овози.

11.10 «Умр дафтари». Саид Аҳмад. 3-қисм. 11.35 Болалар экрани: «Сехрли тун». 12.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақилли-гининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Сирдарё вилояти. Видеофильм премьераси. 13.10 Сирдарё наволари. 13.20 «Оусто командасининг сув асти саргузаштлари». Телесериал. 14.10 Мезон. 14.30 Интерфутбол. 16.15 «Маънавият бўстони». Видеофильм. 16.35 Кўҳна оҳанглар. 16.45 «Чекиш соғлиққа зарар». Телефильм. 16.55 Кўрсатувлар дастури. 17.00 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси». 17.20 «Денгиз итлари». Мультсериал. 5-қисм. 17.45 Аср куйфаси. 18.05 Хуқуқ ва бурч. 18.25 «Умр дафтари». Саид Аҳмад. 4-қисм. 18.40 Оқшом наволари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 Давр.

19.35 ТВ-анонс. 19.40 Кўҳна оҳанглар. 19.45 «Давр»-репортаж. 19.55 Ёшлар овози. 20.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақилли-гининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Наманган вилояти. Видеофильм премьераси. 20.50 Ёшлик кўшиқлари. 21.10, 21.45, 22.35 Ўзлонлар 21.15 «Эсмеральда». Телесериал. 21.50 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 «Мухаббат қаҳваси». Телесериал. 23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари. 00.05 Давр. 00.20 «Ҳақиқат чегараси». Сериал. 00.55 -1.00 «Хайрли тун!» «Тошкент» телеканалли 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «Гиннес-шоу». 17.40, 19.15, 22.20 «Экспресс» телегазетаси. 17.55 Болажонлар экрани.

«Шарки ва Жорж». 15-қисм. 18.30, 20.00, 22.00, 22.35 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.50 «Ёшлар худуди». 19.30 «Эл хизматида». 19.45 «Кўркем ўлкам». 20.30 ТТВда сериал: «Ҳозир ёки ҳеч қачон». 21.20 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ногораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 19-қисм. 23.00 «Кинонигоҳ». «Сирлар». 00.30-00.35 «Хайрли тун, шахрим!» «Халқаро» телеканал РЖТ 6.30-8.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 16.25-16.55 16.55. Кўрсатувлар тартиби. 17.00 «Вести». 17.15 «Оилавий ришталар». Сериал. 18.15 «Инсон ва қонун». 18.50 «Мўъжизалар майдони». 20.00 «Время». 20.35 М. Задорновнинг концерт дастури.

22.10 Кинонинг олтин асри. «Ёмғир кишиси». Бадий фильм. 00.20 «Ахборот». 00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!» 30-КАВАЛ 9.00 Дастурнинг очили-ши. 9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 — «Ботирлар». Сериал. 10.40 «Сухбатдош». Дам олиш дастури. 11.10 «Иблис боласи». Телесериал. 12.00 «Шаҳзода Флоризел саргузаштла-ри». 3-серия. 13.30 «Яго, зулмат эхтироси». Телесериал. 15.00 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эхтирослари». Се-риал. 15.50 «30-да спорт!». 17.00 Шоу соати. 18.00 «Умид уйи». Сериал. 19.00 «30-канал» да ринг қирол-лари. 19.45 Елена Степа-ненко шоуиси. 21.00 «Хай-рли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона». Муси-қий дастур. 21.30 «30-ка-нал» кинооқшоми: «Агент 007. Мени севган жосус». 23.35 «Сиреналар». Сери-ал.

SHANBA

24

«Ўзбекистон» телеканалли 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»: 9.00 1. «Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман». 2. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 10.00 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида». 10.20, 13.55, 15.35 ТВ анонс. 10.25 «Спорт, спорт, спорт». 10.40 «Изтолар». Бадий фильм. 12.05, 12.50 ТВ клип. 12.15 «Хатларда ҳаёт». 12.35 «Бир кулшайлик». 13.00 «Ошин». Телесериал. 13.30 «Кўшигимиз сизга армуғон». А. Каримов. 14.00 «Маърифат». Телеальманах. 14.20 «Қизлар давраси -

Кореяда». 15.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақилли-гининг 11 йиллигига «Шу азиз Ватан барчамизни-ки». 16.00 «Ягона оилада». 16.30 «Ўзбекистон багаторлари». 16.55 «Фламинго». Кинокурсов. 17.15 «Бурч». 17.30 «Рангин дунё». Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»: 17.55 «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу. 18.55 «Пазандлик сирлари». 19.05 Эстрада тароналари. 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот». 21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақилли-гининг 11 йиллигига «Шу

азиз Ватан барчамизни-ки». 21.25 ТВ клип. 21.35 Ўзбекистон Республикаси Мустақилли-гининг 11 йиллигига. «Замонамиз қаҳрамони» рункида «Пойдевор». Видеофильм премьераси. 1-қисм. 22.30 Футбол буйича Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик» - «Зарафшон». 23.15 «Ахборот-дайжест». «Тунги ёғду». Дам олиш дастури. 23.35 «Нақадар тотли сўз - Озодлик». «Йўлбошчи». Бадий фильм. 00.55-1.00 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканалли 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 Давр тонги. 9.00 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси». 9.20 «Денгиз итлари». Мультсериал. 5-қисм. 9.45 Табобат оламида. 10.05 «Давр»-репортаж. 10.15 Мусиқий лаҳзалар. 10.25 «Эсмеральда». Телесериал. 10.55 Аср куйфаси. Саид Аҳмад. 4-қисм. 11.30 Ринг қироллари. 12.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақилли-гининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Фаргона вилояти. Видеофильм премьераси. 21.45 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 Тунги тароналар. 22.50 «Ёшлар» телеканалда премьераси «Одиссей». Бадий фильм. 1-қисм. 00.05-00.10 «Хайрли тун!» «Тошкент» телеканалли 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани. «Шарки ва Жорж». 16-қисм. 17.40 «Жаҳон географияси». 18.25, 19.45, 22.20 «Экспресс» телегазетаси. 18.40 «Мисли гавҳар». 19.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача (рус) 19.20 «Ташриф». 20.00 «Спорт-клуб». 20.20 «Табриқлаймиз-кутлаймиз». 21.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача. «Қирқ тоғоранинг қирқ ногораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 20-қисм. 22.00 «2002 йил»-Қариялар

Республикаси Мустақилли-гининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Фаргона вилояти. Видеофильм премьераси. 21.45 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 Тунги тароналар. 22.50 «Ёшлар» телеканалдан премьераси «Одиссей». Бадий фильм. 1-қисм. 00.05-00.10 «Хайрли тун!» «Тошкент» телеканалли 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани. «Шарки ва Жорж». 16-қисм. 17.40 «Жаҳон географияси». 18.25, 19.45, 22.20 «Экспресс» телегазетаси. 18.40 «Мисли гавҳар». 19.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача (рус) 19.20 «Ташриф». 20.00 «Спорт-клуб». 20.20 «Табриқлаймиз-кутлаймиз». 21.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача. «Қирқ тоғоранинг қирқ ногораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 20-қисм. 22.00 «2002 йил»-Қариялар

ни кадрлаш йили». «Меҳридарё». 22.35 «Кинонигоҳ». «Шарпа оловчилар». 1-қисм. 00.05-00.10 «Хайрли тун, шахрим!» «Халқаро» телеканал 9.00. Кўрсатувлар тартиби. 9.5. ТВ-4 да мусиқа. 9.10. Е. Петросьяннинг «Култу панорамаси». 9.45. «Лаззат». 10.05 CF янгиликлари. 10.15 «Фан тайм». 10.25 Ишбилармон кишилар. 10.45 Кинематограф. «Ниццалик ота». Бадий фильм. 12.15 - 13.15 «Дўстлик» видеоканали: «Немис шарҳи», «Умид», «Чинсен». 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Тенгдошлар». 18.30 Надежда Бабкина иштирокидаги концерт дастури. 20.00 «Время». 20.30 «Юртим». 20.45 Тунги канал: «Ҳали кеч эмас...» Дам олиш дастури. 20.50 «Оддий репортаж». 21.00 «Шлягер». 21.15 «Вояж».

21.25 «Муз-ZONE». 21.40 «Икки ёқлама зарба». 21.55 «Эсплайзизм...» 22.05 «Мусиқий калейдоскоп». 22.20 «Атроф-муҳит». 22.30 «Тунги навбатчилик». 22.40 «Афиша». 22.50 Киносеанс: «Мел». Бадий фильм. 00.20 «Ахборот». 00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!» 30-КАВАЛ 9.00 Дастурнинг очили-ши. 9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор». 9.30 «Сув париси». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 11.30 «Тавистнинг қувноқ оиласи». Телесериал. 12.00 Оилавий кино. «Жасур». 13.40 Бокс ишқибозлари учун. 14.30 Ҳинд киноси: «Ёвуз». 16.40 «Яширин камера билан». Юмор дастури. 17.00 «Ўз йўлини». Телешоу. 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Бўрондан сўнг». 19.50 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 20.00 «Вовочка». Сериал. 21.00 «Уни Никита деб атардилар». Сериал. 21.55 «30-канал» кинооқшоми: «Карлито йўли». 24.00 Мусиқий дастур.

21.05 «Кайфият». Информацион-дам олиш дастури. 11.35 «FCN». Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида) 11.45 «Парле ву франсэ». 12.10 Мультсеанс. 12.30 - 13.30 «Дўстлик» видеоканали: «Рангинкамон», «Дидар», «Озарбайжон тухфалари». 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Бинафша». 18.30 CF тақдим этади: «Бешинчи ўлчов». 18.55 «Хижо». 19.15 «Музик холл». 19.40 «Аншлаг». 20.30 Сандра Беллок «Сен улётган гайда» юмедиаси-да. 22.25 «Ахборот». 23.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Yakshanba

25

«Ўзбекистон» телеканалли 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 9.05 «Гаройибот». 9.25 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультфильм. 9.50 ТВ клип. 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 «Она меҳри». 11.20 ТВ анонс. 11.25 «Пазандлик сирлари». 11.35 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ўзга юрт» фильмида Ватан соғинчи. 1-2 қисмлар. 14.25 «Бугуннинг гапи». 14.45 Ўзбекистон Республикаси Мустақилли-гининг 11 йиллигига. «Замонамиз қаҳрамони» рункида «Пойдевор». Видеофильм премьераси. 1-қисм. 15.40 «Қорақалпоқнома». 16.00 Футбол буйича

Ўзбекистон чемпионати. «Насиф» - «Кўҳн» 1912». 16.45 Ўзбекистон Республикаси Мустақилли-гининг 11 йиллигига. «Шу азиз Ватан барчамизни-ки». Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»: 17.05 1. «Улғайиш погоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин. 18.05 «Талабалик йиллари». 18.25 «Туртинчи ҳокимият». 18.45 «Оқ олтин». Телелотерея. 19.15 «Бир жуфт кўшиқ». 19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Ўзлонлар 19.30 «Тахлилнома» (рус тилида) 20.05 «Яқшанбада Сиз билан бирга». 20.30 «Тахлилнома». 21.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақилли-гининг 11 йиллигига «Шу азиз Ватан барчамизни-ки». 21.35 ТВ клип. 21.45 Ўзбекистон Республикаси Мустақилли-

гининг 11 йиллигига. «Замонамиз қаҳрамони» рункида «Пойдевор». Видеофильм премьераси. 2-қисм. 22.40 «Ўзбекистон ифтихори». Спорт дастури. «Яқшанба кинозали»: 23.00 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Такси». Бадий фильм. 00.20-00.25 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканалли 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 Давр тонги. 9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма». 9.20 Болалар учун кўшиқлар. 9.35 Футбол плюс. 9.55 Давр-интервью. 10.10 Мусиқий лаҳзалар. 10.25 «Зинама-зина». 10.55 Очил дастурхон. 11.10 Нокаут. 11.35 «Ёшлар» телеканалда ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон. 2. Аскар мактублари. 12.15 Чемпион сирлари. 12.35 Ўзбекистон Республикаси Мустақилли-

гининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Фаргона вилояти. Видеофильм. 13.05 Водий наволари. 13.15 «Кўнгил чақмоқлари». Бадий фильм. 14.45 Қишлоқдаги тенгдошим. 15.05 «Экспедиция». Хужжатли сериал. 15.55 Оҳанрабо. 16.30 Кўрсатувлар дастури. 16.35 «Янги авлод» студияси: «Ким эгчил-у? Ким чақон?». 17.00 «Мульттомоша». 17.15 Спорт ҳафтанома. 17.30 «Учинчи сайёра» маърифий дастури. 18.20 Синфдош. 18.40 Оқшом наволари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр»-news. 19.20 Кўҳна оҳанглар. 19.30, 20.05, 22.30 Ўзлонлар 19.35 «Сардор». Телевизион бадий фильм. 4-қисм. 20.10 Ёшлик ва муҳаббат кўшиқлари. 20.30 «Заковат». 21.20 Ўзбекистон Республикаси Мустақилли-гининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Самарқанд вилояти. Видеофильм премьераси.

21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр ҳафта ичида». 22.35 Тунги тароналар. 22.45 «Одиссей». Бадий фильм. 2-қисм. 00.00-00.05 «Хайрли тун!» «Тошкент» телеканалли 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани. «Марварид қиз». 18.55, 20.10, 22.05 «Экспресс» телегазетаси. 19.10 «Жаҳон географияси». 20.00 «Телефакт». 20.25 «Табриқлаймиз-кутлаймиз». 21.00 «Пойтахт шарҳи». 21.25 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ногораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 21-қисм. 22.20 «Хамшаҳарлар». 22.40 Кинонигоҳ. «Шарпа оловчилар». 2-қисм. 00.15-00.20 «Хайрли тун, шахрим!» «Халқаро» телеканал 9.00. Кўрсатувлар тартиби. 9.05. ТВ-4 да мусиқа. 9.10. Дм. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари». 9.30. «Хамма уйдалигида».

Шайхонтоҳур тумани, Белтепа мавзеси, 9-уй, 30-хонадонга эгаллик ҳуқуқи ҳақида Юлдуз Ергешовна Низамовага берилган ордер йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Чиноз туманидаги Маҳмуд Пулатов номи 28-урта мактаб томонида 1997 йилда Андакулов Азимбой Аюелбоевич номига берилган O'RA № 009581 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Дил изҳори

Хар сафар Носир ака билан кўришганимда шoirнинг «Инсон билан тирикдир инсон, муҳаббатда ҳаётнинг боши» деган чуқур фалсафий сатрлари ёдимга тушади. Бу бежиз эмас. Бошқаларни билмадим-у, аммо мен учун Носир ака энг азиз инсон, кўп жиҳатдан устоз, дилкаш ҳамсуҳбат, қадрдон. Ҳафта-ўн кун кўришолмай қолсак, кўнгилни кўтариб, руҳни тетиклаштирадиган, ҳаётни озуқа берадиган суҳбатларини соғинаман, кўмсайман. Негаки, биз оз эмас, кўп эмас, қирқ йиллик қадрдонлармиз.

Самимий муносабатлар билан кечган ана шу давр ора-миздаги оға-инилик, дўстлик, ҳамкорлик ришталарини обдон пишитди, мустаҳкамлади. Шу йиллар давомида мен у кишидан жуда кўп нарса ўргандим. Юқорида «Носир ака менга кўп жиҳатдан устоз» деганимнинг боиси шунда.

Аслини олганда иккаламиз икки соҳа кишиларимиз. Носир ака — журналист. Умри ижод қилиш билан ўтаётди. Мен эса, чорвадор-мутахассисман. Лекин, ҳар иккимизнинг иш фаолиятимизда бир жиҳатдан муштараклик бор. Носир ака бедор вақтларини янги мавзуларга излаш, «теша тегмаган» руклар топиш, навбатдаги мақолаларида, албатта, янги гап айтиш пайида бўладилар. Мен ҳам то пенсияга чиққунимча, қаерда, қайси лавозимда ишламай, республикада чорвачиликни ҳар томонлама ривожлантиришга баҳоли қудрат ҳисса қўлиш мақсадида тинимсиз амалий изланишлар олиб бордим.

Эсимда. Бундан чорак аср муқаддам одатдаги суҳбатларимизнинг бирида гап одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат масалаларига келиб тақалди. Шунда мен бир ҳаётини воқеани сўзлаб бердим. Ҳикоям у кишига қаттиқ таъсир қилди шекилли, жўшиб-тошиб, юракларидаги бор гапларини тўкиб солдилар.

Қарангки, орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, «Тошкент ҳақиқати» газетасида Носир аканинг «Оқибат» рукни остидаги ибратли мақоласи босилиб чиқди. Йўқ, мен қадрдонимнинг ҳар бир журналист учун сув билан ҳаводек зарур бўлган ҳозиржавоблиги, тезкорлиги ҳақида гапирмоқчи эмасман. Балки, айна бугуннинг энг долзарб мавзусини қаламга олганлиги, олганда ҳам шу пайтгача ҳеч ким айтмаган янги гапни айта олганлигини таъкидламоқчиман. Қаламқашу муштарийлар даврасида кўп шов-шувларга сабаб бўлган ўша мақолада шундай сатрлар бор эди: «Оқибат — ҳар бир инсон учун энг олий фазилатлардан бири бўлиб, унинг одамлиги, хулқ-атвори, самимийлиги, камтарлиги, химмати, ўзгаларга нисбатан меҳр-муҳаббатини белгиловчи асосий мезондир. Оқибат бор

қанинг қадами етмайдиган узок йилловларда уч-тўрт кунлаб қийналиб юриш зарилми?

Ўша биринчи учрашувимиздаёқ шу фикримни айтсам, Носир ака лўндагина жавоб билан журналистика ҳақидаги тасаввуримни остун-остун қилиб юбордилар: «Сизнинг касбингиз бит-

сир аканинг «нафақат журналист, балки, касб-коридан қатъий назар юртнинг ҳар бир фуқароси қўлидан келганича, замондан илгарироқ юришга, ҳеч бўлмаганда, у билан баравар қадам ташлашга ҳаракат қилиши керак. Зеро, замондан ортда қолган одам-

ИЗЛАНИБ ЧАРЧАМАЙДИ

жойда ҳаё, андиша бор, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик бор. Оқибат бор жойда дард, андух, қийинчилик чекинади, мушкулотлар ечими осонлашади. Энг яхши ўзбекона миллий анъаналаримизнинг асрлар оша завол топмай, яшаб келаётганлиги ҳам, аввало, оқибат туфайлидир. Жамиятимизда теран илдиш отган ҳамжиҳатлик, биродарлик, берак пайтда ёрдам қўлини чўзиш, муруват кўрсатиш, айниқса, бошга мусибат тушганда ҳамқору ҳамдард бўлиш айнан оқибатнинг ҳаётини ҳосиласидир».

Баъзан дўстлар даврасида гурунг қизганда «Биз Носир ака билан мусофирликда танишганимиз, шунинг учун узилмас оғани бўлиб кетганимиз» деб ҳазиллашаман. Бу гапда жон бор. У киши билан илк бор олиш тоғ йилловларида, сурув-сурув кўй отарларини оралаб юрганимда учрашганман. Тақдирни қаранг. Ҳўп, мен-ку, чорвадор-мутахассисман. Касбим тақозоси билан ҳафта-ўн кунлаб, баъзан эса, ойлаб уйга қайтолмай, тоғу-тошларни кезишга мажбурман. Лекин, журналистга чўпдондан бosh-

та — чорвачилик бўйича илмий ходим. Журналистнинг касби эса, мингта. Биз қалам аҳли давлат арбобию олимдан тортиб, раҳбар, мутахассис, ишчи, деҳқон, чорвадор, ўқитувчи, қўйингки, ҳатто, фазогирнинг ҳам ҳузурига боришимиз, ишнинг кузатишимиз лозим. Акс ҳолда ёзган мақоламиз наф бермайди, бошқача айтганда, тузсиз овқатдек, истеъмолга ярамайди».

Носир аканинг шахсан менга кўрсатган яхшиликларидан бири журналистикага кучли ҳавас уйғотгани бўлди. У кишининг далдаси билан қўлимга қалам олдим. Шу тарих республика миқёсидаги турли лавозимларда ишлаган давримда Бухоро қорақўли, Ҳисор қўйлари, Қорақалпоғистон туялари, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм йилқилари ҳақида қатор мақолаларим эълон қилинди. Бозор иқтисодиёти шароитларида республика чорвачилигини ривожлантириш йўллари, тармоқдаги энг долзарб муаммолар ечимига бағишланган рисолам юзага келди. Буларнинг ҳаммаси Но-

нинг эл-юртга нафи тегмайди», деган чуқур фалсафий гапларига амалий жавобим бўлди десам янглишмасам керак.

Носир ака — ўз йўли, ўз услуби ва ўз сўзига эга журналист. Энг муҳими эса, муқимликни ёқтирадилар. Мана, дорилфунуни битириб, журналист гувоҳномаси билан «Тошкент ҳақиқати»га ишга келганларига 46 йил бўлибди. Пенсия ёшидан ошганларига ўн йил бўлсада, ҳамон шу даргоҳда замон билан ҳамқадам, ҳаёт билан ҳамнафас, ҳормай-толмай ижод қилиб келмоқдалар. Бугун ижрачи, фермер, хусусий тадбиркорларга йўл-йўриқ вазифасини ўтай оладиган мақолаларини ўқисак, уч-тўрт кун ўтмай, «Ҳаётини лавҳалар» рукни остида чоп этилган ибратномалари муштарийлар орасида қўлма-қўл бўлади.

Устозимизнинг яна бир инсоний фазилатлари шуки, у киши билан қирқ йил ҳамсуҳбат бўлиб, бирор марта «фалончи менинг шогирдим» деган сўзни эшитмадим. Ваҳоланки, бир пайтлар Носир аканинг қўл остида ишлаган шогирдларидан айримлари бугунги кунда вазир муовини лавозимида ишляпти, нуфузли ижтимоий-сиёсий газетага муҳаррирлик қилапти.

Камина ҳам шундай заҳматкаш, фидойи, шу билан бирга камтар ва ҳалол-пок, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фахри унвонини баракали ижоди билан оқлаб келаётган Носир ака Рихсиевни устозим дейишдан фахрланаман. Мана шу кўтлур кунда уларга сиҳат-саломатлик, янги ижодий муваффақиятлар тилайман.

Тўхтасин ФАНИЕВ,
Ўзбекистон фахрийлари
ижтимоий қўлла-
қувватлаш «Нуроний»
жамғармаси марказий
кенгашининг бўлим
бошлиғи.



Таниқли фотомуҳбир Александр Абаян 1974 йилда тасвирга туширган ушбу суратда «Тошкент ҳақиқати» газетасининг қишлоқ хўжалик бўлими мубири Носир Рихсиев ўша даврдаги «Қорасув» паррандачилик фабрикаси директори, мазкур мақола муаллифи Тўхтасин Фаниевдан интервью олаётган пайт акс эттирилган.

Эколандияга саёҳат

Шу йилнинг февраль ойида Халқ таълими вазирлиги «Маърифат» газетаси билан ҳамкорликда табиат, сув, экология ва уни муҳофаза қилиш тўғрисидаги рефератлар танловини эълон қилган эди.

Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлардан 180 дан ортик ўқувчи иштирок этди ва улардан 56 нафари голиб деб топилди. Танлов голиблари 15 кун мобайнида Бўстонлик туманида жойлашган «Ёш ўлкашунослар» тоғ-сайёҳлик масканида бўлишди.

Ўқувчи-ёшлар оромгоҳда фақат дам олиш билан кифоялангани йўқ. Гап шундаки, улар бу ерда «Эколандия» мамлакатининг фуқароси ҳам бўлишди. Шунингдек, экопарламент тuzилди. «Парламент»га 12 та «қонун» лойиҳаси киритилди. Уларда ўз-ўзини бошқариш, сўз ва фикр эркинлиги, «Эколандия» худудидаги тартиб-интизомга бўйсунуш, «мамлакат» сарҳадидан рухсатсиз чиқиб кетмаслик ҳақида, энг асосийси, табиатни муҳофаза қилиш, наботот ва ҳайвонот оламига меҳрли бўлиш ҳақида сўз юритилган.

— 2002 йил — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қарори билан табиат бойликларини асраш ва улардан оқилона фойдаланишнинг янги муқобил йўналиши ҳисобланмиш Халқаро экологик туризм йили деб эълон қилинди. Оромгоҳимиз шу асосда ташкил этилди, — дейди оромгоҳ бошлиғи Ҳасан Жалолов. — Мақсад — ўқувчиларни табиатни севишга ва асрашга ўргатиш, жонли табиат қўйнида ўзини қандай тута билиш кераклиги ҳақида тажрибавий билим ва кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Ёшлар бу ерда нафақат экологик мавзуларда, балки чекиш, ичиш ва гиёҳвандликнинг зарарли оқибатлари ҳақида суҳбатлар қуришди. Улар икита бўлим, олти та гуруҳга бўлиниб, биология ва зоология, экология соҳаси бўйича профессор-ўқитувчилардан сабоқ олди.

Ўқувчи-ёшларнинг мароқли дам олиши учун «Ўзмевасабзавотузумсаноат» холдинг компанияси, «Экосан» халқаро жамғармаси, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда «Жўрабек» хусусий фирмаси яқиндан ёрдам берди. Ҳомийлар болаларни ётоқ-жой ҳамда кийим-кечак билан таъминлади. Шунингдек, «Биоэкосан» республика ёшларининг ўқув-услубий мажмуаси кутубхонасидан бадиий-илмий адабиётлар келтирилиб, кичик кутубхона ташкил этилди.

Бехўд БОТИРОВ,
ЎЗА мухбири.

Озон қатлами, замин тақдири

Заминимизни куёш ультрабинафша нурларининг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган озон қатламининг емирилишдан сақлаш бугунги кунда жаҳон жамоатчилигини ташвишлантираётган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Ана шу муаммоларни бартараф этиш мақсадида қабул қилинган Вена конвенцияси ва Монреаль протоколига бугунги кунда 180дан кўпроқ мамлакат, жумладан, Ўзбекистон ҳам қўшилган.

Миллий матбуот марказида Давлат божхона қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги мутахассислари иштирокида уч босқичда амалга ошириладиган ана шу дастурнинг илк машғулоти бошланди.

ЎЗА.

Дарслик ва ижара ҳақи

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан мактаб ўқувчиларини ижара воситасида дарсликлар билан таъминлаш тизимини янада кенгайтириш борасида талай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, янги ўқув йилида 9-синф дарсликлари давлат таълим стандартлари асосида лотин ёзувида нашрдан чиқарилиб, ўн номдагиси, яъни «Она тили», «Адабиёт», «Кимё», «Физика», «Алгебра», «Геометрия», «Иқтисодий билим асослари», «Конституциявий ҳуқуқ асослари», «Информатика ва ҳисоблаш техникаси», чет тили дарсликлари ижара тизимига киритилди. Таълим қорақалпоқ тилида олиб

бориладиган мактаблар учун мазкур дарсликларнинг таржима нусхаси яратилди.

Айни пайтда, дарсликларнинг ижара ҳақи миқдори ҳам аниқланди. 2-синфлар учун дарсликлар тўплами 950 сўм, 3-синф учун 1070 сўм, 5-синф учун 1470 сўм, 6-синф учун 2000 сўм, 7-синф учун 2300 сўм, 8-синф учун 2400 сўм, 9-синф учун 3250 сўмни ташкил этади.

ЎЗА.

Таълим кредитлари қўл келяпти

Мамлакатимизнинг йирик ва универсал банкларидан бири — давлат-тижорат Халқ банкнинг истеъмол бозоридаги фаолият доираси тобора кенгаймоқда.

Янги омонат турлари, уй-жой рўзгор буюмлари, кундалик эҳтиёж товарларини харид қилишга ёрдамлашиш мақсадида «Комфорт», ёш оилаларга тўй маросимларини ўтказиш учун «Тўёна», ҳовли ва хонадонларни таъмирлаш, уй-жой сотиб олиш ва бошқа эҳтиёжлар учун турли истеъмол кредитлари жорий этилган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вази-фаларни ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида олий ва ўрта мах-

сус ўқув юртларида тўлов-контракт асосида таълим олаётган талабаларга банкнинг турли муддат ва шартларга асосланган кредитлари ҳам тақлиф этилмоқда. Кредитлар бўйича шарт ва қоидаларнинг рангбаранглиги мижозларга танлаш имкониятини бермоқда. Бу борада фуқаролар ўз хо-ҳиш-истаклари ҳамда имкониятларига кўра ўзларига мақбул бўлган «Таҳсил», «Абитуриент», «Талаба» кредитларидан фойдаланиши мумкин.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

XVII asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng
so'nggi
xabarlar



МУЗОКАРА НАТИЖА БЕРМОҚДА

Икки Корея ҳукуматлари ўтказётган ўзаро музокара натижа бермоқда. Кун кеча икки томон транспорт тизими бўйича битим имзолади. Келишувга кўра, давлатлар аро темир йўл транспорти ҳаракати тикланадиган бўлди.

ТАДҚИҚОТЛАР ОРҚАЛИ

Мексика тарихида илк бор мамлакатдаги қашшоқлик даражаси ошқора эълон қилинди. Расмий вакилларнинг маълум қилишича, мамлакат аҳолисининг 53,7 фоизи камбағал экан. Шулардан 24,2 миллиони бутунлай қашшоқликда кун кечиради. Ушбу маълумот махсус тадқиқотлар орқали аниқланди.

ОЛДИНИ ОЛМОҚ УЧУН

Халқаро валюта жамғармаси Парагвайга молиявий ёрдам кўрсатишини маълум қилди. Яқин икки йил ичида Парагвай ҳукумати 200 миллион АҚШ доллари миқдорида қарз олади. Айни кунларда мазкур лойиҳа тасдиқланиш арафасида. ХВЖ вакилларининг маълум қилишича, ушбу молиявий тадбир Аргентинада бошланиб, Бразилияга ўтган иқтисодий инқирознинг Парагвайга етиб келмаслиги учун амалга оширилмоқда.

ҲУКУМАТ ТАРКИБИ ЯНГИЛАНДИ

Янги Зеландияда ҳукумат таркиби янгиланди. Бош вазир Элен Кларк бошқарув тизимида фаолият кўрсатган уч амалдорни ишдан четлаштирди. Шунга қарамай, ҳукумат аъзолари яна икки кишига кўпайди. Эндиликда бошқарув тизимида жами йигирма саккиз киши ишлайдиган бўлди. Кларк хонимнинг ўзи авваллари бош вазирлик билан бирга маданият вазири вазифасини ҳам бажарар эди. Энди у иккинчи лавозимидан воз кечди.

ВАЗИЯТ КЕСКИНЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА

Колумбияда вазият кескинлигича қолмоқда. Мамлакат бўйлаб террорчилик авж олган. Натижада бегуноҳ одамлар қурбон бўлмоқда. Жангарилар билан ҳукумат армияси ўртасидаги қуролли тўқнашувлар, айниқса, мамлакатнинг шимоли-ғарбида кўп содир бўлмоқда. Мамлакатнинг Эквадор билан чегарасида эса террорчилар маҳаллий маъмурият вакилини ўлдирди.

ЕВРОПА ТОШҚИНЛАРИ

Бу йил Европа қитъасида ҳаво серёғин келди. Вазият шу даражага бориб етдики, айрим мамлакатларда фавқулодда ҳолат эълон қилишга тўғри келмоқда. Узлуксиз ёғётган ёмғир туфайли Европанинг марказий қисмидаги автомобил ва темир йўллари сув остида қолди.

Яқин атрофда яшовчи аҳоли тошқин туфайли уй-жойини тарк этишга мажбур бўлмоқда. Айниқса, Чехия кўп зарар кўрди. Сўнгги икки кун ичида мамлакатда ўн мингдан ортиқ одам хавфсиз жойга кўчирилди. Прагадан маълум қилинишича, аҳоли зич яшовчи қирқдан ортиқ туманда назорат кучайтирилган. Бироқ табиий офат оқибатларини бартараф этиш мушкул кечмоқда.

Словакияда ҳам вазият анча ташвишланарли. Одамлар уйлари тарк этиб, хавфсиз жойлардан бошпана қидирмоқда. Дунай дарёсининг икки irmoғи – Грон ҳамда Ваг Словакия ҳудудидан оқиб ўтади. Бу дарёларда сув миқдори деярли икки баробар кўпайган. Соҳилда жойлашган қишлоқлар сув остида қолиб кетган.

Бундай ҳолатни Германиянинг йирик сиёсий-иқтисодий маркази – Дрезденда ҳам кузатиш мумкин. Элба дарёсида сув сатҳи 5,6 метр кўтарилди. Шаҳарда фавқулодда вазият эълон қилинган. Маҳаллий мутахассисларнинг таъкидлашича, серёғин кунлар ҳали олдинда. Бавария, Рейнланд-Пфалц ва Куйи Саксонияда ҳозиргидан ҳам кучлироқ ёмғирлар бўлиб ўтади.

Швейцария ва Францияда эса

бандаргоҳлар вақтинча ёпиб қўйилган. Ёмғир туфайли дарё сувлари кўпайиб, ўзанини ўзгартирган. Сувни бошқариш қийин бўлгани учун денгиз савдо йўллари ёпиқ турибди. Тошқин давлатлараро товар алмашув жараёни сустлашишига сабаб бўлмоқда. Савдо ходимлари ва иқтисодчилар вазият тезроқ яхшиланишидан умидвор.

Австрия ва Италияда ҳам ёғингарчиликнинг охири кўринмаяпти. Бу мамлакатларда бундай офат сўнгги юз йил ичида илк бор содир бўлаёттир. Тошқин натижасида ушбу мамлакатларда қишлоқ ҳўжалиги жиддий зарар кўрди. Кўчли довуллар туфайли Италиянинг қатор вилоятлари электрисиз қолган. Ҳисоб-китобларга кўра, аҳолини яхшилаш учун 23 миллион евро ҳажмида маблағ керак экан. Бироқ ҳукумат вазиятни ўнглашга шошилмаяпти. Чунки Апеннин тоғ тизмасида ёғётган дўл ва қор ҳадемай шаҳарга етиб келиши мумкин экан.

Тўхтовсиз ёғётган ёмғир Буюк Британия аҳолисининг ҳам кўзини очирмаяпти. Сув тошқинлари Шотландия ва Шимолий Йоркшир вилоятига етиб борди. Лондон метроси бекатлари сувга тўлиб кетган. Ерости транспортнинг уч йўналиши вақтинча ёпилган. Умуман, метро Лондонда энг оммавий транспорт тури ҳисобланиб, ундан кунига уч миллионга яқин йўловчи фойдаланади.

Россиянинг Новороссийск вилоятидаги аҳоли бундан ҳам аянчли: довул, тошқин ва ёмғирлар туфайли олтимишга яқин одам қурбон бўлиб, минглаб кишилар бошпанасиз қолди. Иқтисодиётга етган зарар миллионларни ташкил этади. Тошқин оқибатида юқумли касалликларнинг кўпайиш хавфи ошди.

Иқлимшунослар минтақадаги аҳоли ҳали анча вақт яхшиланмаслигини таъкидламоқда. Фалокат оқибатларини бартараф этиш учун минтақадаги барча давлатларда кутқарув ишлари давом этмоқда.

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА,
УзА шарҳловчиси.



Испания.

ЧАҚАЛОҚ ҚОРНИДА ИККИТА ГЎДАК

Туркиянинг Сиваш шаҳридаги тугруқхонада ғаройиб ҳодиса юз берди. Янги туғилган ўғил бола қорнида яна икки нафар бола бор экан. Туғилган боланинг қорни қаппайганлиги шифокорларда шубҳа туғдирди. Бунинг сабабини аниқлаш учун уни касалхона хузуридаги тадқиқот марказига юбордилар. У ерда маълум бўлишича, бола қорнида яна икки нафар ўқаси бўлиб, уларнинг ҳар бири ўсишининг бешинчи ойлигида вафот этган экан.

Доктор Озторпак бу ғайриоддий ҳодисани шарҳлар экан, бундай воқеа биринчи марта 1805 йилда юз берганлигини айтди. Бундай ҳодиса жаҳон амалиётида фақат уч марта содир бўлган экан.



ҚАШШОҚ МИЛЛИОНЕР

Италия пойтахти Римда Треви деган фаввора бўлиб, унинг яқинида бўлган ҳар бир фуқаро бир неча чакани унга ташлаш лозим, деб ҳисоблайди. Шундай қилса, унинг истаги амалга ошар эмиш гўё. Битта ташланган чақа шаҳарга яна бир марта қайтиб келишни, ташланган иккита чақа эса римликни севиб қолишни, уртаси эса италиялик билан қонуний никоҳ орқали қовулишни кафолатлар эмиш. Шу сабабли танга-чақалар фавворага ташланади, уларни эса, бу ердан 20 йилдан бери дайди Роберто Чечеллетта йиғиб олади. Унинг шу йўл билан орттирган бойлиги чакана эмас, тахминий ҳисобларга қараганда фаввора ҳар йили 150 минг доллар инъом этаркан унга.

Рим мэрияси бойишнинг бу ғаройиб усулини эътибордан четда қолдирмади. Қашшоққа бир неча бор жарима солишмоқчи бўлди, лекин нафи тегмади. Икки метрли норғул бу эркак ҳар гал ногиронлик гувоҳномасини пеш қилганча, ўзини ризидан маҳрум қилмоқчи эканларидан норози бўлиб, аюҳаннос солади, хатто ёлғондан кўз ёши тўқади. Охири уни судга беришди. Бу ерда ҳам масала очиклигича қолди. Судга берилганда эса, у Треви фавворасига ташланган танга-чақалар ҳеч кимнинг мулки эмаслигини қайд қилиб, ҳар бир киши уларни йиғиб олишга ҳақли эканлиги ҳақида ажрим чикарди. Чечеллетта иккита бадқовоқ ёрдамчилари билан фавворага ҳеч қандай шерик-перик бўладиганларни яқинлаштирмапти.



(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ҒАЛАТИ ТАНЛОВ

Белфаст шаҳридаги айрим пиво майхоналарида кўпчиликка маълум бўлган «Ким миллионер бўлишни истайди» деганга ўхшаш ўйин ўтказилмоқда. Бу ўйин «Ким кўп ичишни истайди» деб аталмоқда. Унда қатнашганлар қўйилган барча 14 та саволга тўғри жавоб топса, бир бочка пиво билан тақдирланади. Ўйиннинг таскин берувчи шартлари ҳам бор. Дастлабки олти саволга ижобий жавоб берганлар ярим литр пивони олади.



Турфа олам

Турфа олам

Bolalik bog'i

ФАРЗАНДЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Улғайиб келаётган авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб тарбиялаш ишига нафақат давлат идоралари, балки юртимизда фаолият юритаётган халқаро ва жамоат ташкилотлари ҳам яхши ҳисса қўшмоқда.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг бу борада халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги яхши самара бермоқда. Жумладан, Германиянинг "Пис виллаж интернейшнл" халқаро ташкилоти билан узок муддатта тузилган ҳам-

корлик тўғрисидаги шартнома аҳамиятлидир. Айтиш жоизки, ушбу халқаро ташкилот бугунги кунда дунёнинг йигирма бешдан кўпроқ давлати билан ўзаро алоқа боғлаган. У ривожланаётган мамлакатларда истиқомат қилаётган 12 ёшгача бўлган бе-

мор ва ногирон болаларни даволаш, соғлигини қайта тиклашга кўмаклашмоқда.

Мазкур шартномага мувофиқ мамлакатимизда истиқомат қилувчи ана шундай болалар Германияда даволаниши мумкин. Ушбу хайрия тadbирининг биринчи босқичида ўн нафарга яқин бемор бола Дюссельдорф шаҳрига жўнатилди. Улар уч ой мобайнида малакали шифокорлар ёрдамида даволанади.

Ў.А.

CHUMOLILARGA

Markazdan in qurishga,
Oshiqmang chumolilar.
Yuring qo'riq ochishga,
Yarating gul lolalar.
Ba'zi loqayd odamlar,
Inni bosib o'tsalar.
Ezilib qon yutarlar,
Do'st kuyunchak bolalar.



Abdusamad YUNUSOV.

Кўриқчи

ТЕКИНИ ТОМОҚҚА ТИҚИЛДИ

Дунёда ҳаром-харишдан кўрқмайдиғанлар ҳам кўп. Ангренлик Вячеслав Коровин ҳам ана шундайлар хилидан бўлиб чиқди.

У ўз ҳамшаҳри 90 ёшли Алексей Адамирининг уйдан 35 минг сўмлик буюмларини ўғирлаб кетди. Унинг бу «уддабуронлиги» узокқа бормади. Шаҳар ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди.

Бу тоифа кишилар Бўка туманида ҳам ўзларининг қинғир ишлари билан танилиб улғуришган. Сафар Тўғонов ҳам ўзини силлиқ иш битирувчилардан деб ўйлади шекилли, «Й.Хожиметов» жамоа хўжалигида яшовчи Зухра Қобулованинг уйига ярим тунда ўрмалади. Қўлига илингани 2 бош бузук бўлди. Моллар ҳалол экан, ўз жойига, С.Тўғонов эса панжара ортига йўл олди.

Бекобод шаҳар 13-даҳа 23-уй 33-хонадонда яшовчи иккинчи гуруҳ ногирони Игор Девятонинг уйдан 303000 сўмлик буюмлар йўқолганида ҳамма хайрон бўлган эди. Бу ишни ким қилган бўлиши мумкин?

Аммо ички ишлар ходимлари бу ишнинг ҳам охирига етдилар.

Уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланган икки ўспирин—Хамид Курбонев ва Сергей Молдихлар бу жиноятда «кахрамонлик» кўрсатганликлари аниқланди ва улар қўлга олинди.

У. РАВШАНБЕКОВ.

Гулгунча



Назокат Даминова ҳали мактаб ўқувчиси бўлишига қарамай, унинг машқларида ўзига хос топилмалар, ўхшатишлар борлиги бизни қувонтирди. У тинмай ўқиб-ўрганишдан, машқ қилишдан эринмаса, ижод машаққатларини енга олса, яхши шоира бўлишига шубҳа йўқ. Бу йўлда қизимизга омад тилаб, унинг шеърларидан намуналарни эътиборингизга ҳавола қилаёпмиз.

БОЛАЛИК

ТАБИАТ

Тонгда турардим беташвиш, беғам,
Мунчоқ кўзларим термулиб.

Боғчага бормаслик йўлини излаб, —
Йўлни тополмайин ўтди болалик.

Боғча опам кутиб оларди кулиб,
Мен учун дадам боғдан гул узиб.
Онамлар кўлимга рўмолча тутиб, —
Рўмолчадек силкиниб, ўтди болалик.

Илк мактабга келган дамларим
Хотирамда мангу туйғулар.
Кувлашмачоқ ўйнаб дўстларим билан,
Югуриб елиб, ўтди болалик.

Болаларча тасаввур мурғак қалбимда,
Катта бўлишга интилар эдим.
Интиланган юракни аста сеҳрлаб, —
Кўз очиб юмгунча ўтди болалик.

Ўша тасаввурлар, ўша туйғулар,
Ўшандай кувноқлик, ўйинқароқлик,
Ўша туйғуларга хос эркатойлик, —
Энди чақирсам ҳам қайтмас Болалик!

Гулларни тебратар аста шамоллар,
Дилларни яйратар дилбар наволар,
Булбуллар садоси унга ҳамоҳанг,
Рақсга тушмоқда шўх мажнунтоллар.
Шаршара ёқаси кўм-кўк гиламзор
Майсалар ўсади эркин, беозор.
Бир-бирлари билан аста сўзлашиб,
Гоҳ шамолга ҳам солишар қулоқ.
Сувнинг шовуллаши ўзи бир кўшиқ,
Унга жўр бўлади она табиат,
Ердек боласини эркалаб, суйиб,
Эзгулик улашар, сўрамас ҳеч вақт.

ТАШБЕҲ

Ерда ўсиб дарахт кўкка интилар,
Сархил мевасига элни тўйдирар.
Ҳар бир шох-шаббаси авлоди бори
Ердан куч олади, шу ерда яшар.
Инсонлар ҳаёти бамисоли дарахт,
Туғилиб, униб-ўсиб улғаяр,
Аммо, инсонийлик ўзи олий бахт
Бағзилар шу бахтдан маҳрумдек яшар.

Назокат ДАМИНОВА.

Ориф ОДИЛХОНОВ



Бешафқат ўлим меҳрибон ва дилкаш инсон, ажайиб шоир Ориф Одилхоновни орамиздан олиб кетди.

Ориф Одилхонов 1938 йилнинг 10 январида Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги Сўқоқ қишлоғида таваллуд топди.

Ориф аканинг болалиги уруш ва урушдан кейинги оғир йилларга тўғри келди. Ориф ака 1955 йили Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг агрономия-иктисодиёт факультетига ўқишга кириб, уни 1960 йилда битирди.

Институтдан сўнг Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманидаги жамоа хўжалигида ҳисобчи, Чотқол тоғ таҳриба станциясида илмий ходим, Юқоричириқ туманида маданият бўлими мудири, 1970 йилдан то умрининг охиригача «Сўқоқ» дам олиш уйининг раҳбари бўлиб меҳнат қилди.

Ориф Одилхонов истеъдодли, ўзига хос овоз ва услубга эга бўлган ижодкор ҳам эди. Унинг «Баҳор атри», «Тоғда бир чашма», «Бодом гуллари», «Умид юлдузлари», «Сўнмаган севгим», «Кўшиқ куйласам», «Тоғлар таронаси», «Сайланма» каби шеърини тўпламлари шеърини мухлисларининг қалб мулкига айланди. У 1988 йилда ўлка тарихига бағишланган «Паркент тарихи» деган китоб яратди.

Унинг 100дан ортиқ шеър ва газаллари хонанда ва созандалар томонидан кўшиқ бўлиб айтилмоқда. Ориф Одилхоновнинг камтарин меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони, бир қатор орден ва медаллар соҳиби эди.

Ориф Одилхонов ўзининг бой ижодий мероси, самимияти ва меҳрибонлиги билан дўстлари қалбида бир умр яшаб қолади. Охиратлари обод бўлиб, Оллоҳ у кишидан рози бўлсин.

Бир гуруҳ дўстлари.

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими», меҳнат фахрийси, таниқли шоир **Орифхон ОДИЛХОНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Sport

Sport

«СОҲИБКОР» ШУҲРАТИНИ ТИКЛАМОҚДА

Бу йил футбол бўйича вилоят касаба уюшмалари биринчилиги мусобақаларида жами 16 та шаҳар ва туман жамоаси фаол иштирок этмоқда. Яқинда биринчи давра мусобақалари якунланди.

Рақиблар билан ўтказилган ўн бешта учрашувда 43 очко тўплаган «Соҳибкор» (Халқобод) жамоаси яқка пешқадамлик қилмоқда. Иккинчи ўрин-

да бораётган «Лочин» (Чиноз) жамоасида 38 та, учинчи ўринни эгаллаган «Қизил тоғ» (Красногорск) жамоасида 29 та очко бор.

Шуниси қувончлики, бир пайтлар республика чемпионати биринчи табақасида муваффақиятли иштирок этиб, мамлакатта танилган «Соҳибкор» жамоаси кейинги йилларда парокандаликка учраб, тарқалиб кетиш хавфи туғилганди. Бироқ, бевосита Янгийўл туман

ҳокимлигининг саъй-ҳаракати билан жамоанинг мавқеи қайта тикланди. Энди «Соҳибкор»га катта ишонч билдирилиб, шу йил 23-25 август кунлари Қизилтепа туманида бўлиб ўтадиган «Олтин бошоқ» республика турнирида вилоятимизи футбол шарафини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилди.

Сандориф Пўлатов, вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти бўлим мудири.

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ
Ташкилот ва ахборот маркази

Мусаввир
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бosh муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эъловлар:
133-70-10, 136-53-80.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатда олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
морякларда терийди ва
соҳифалонди.

• Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда да-
лилларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.